
Қува туманида ёшлар ойлиги доирасида маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда

Қува тумани аҳоли айниқса ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида “Ёшлар ойлиги” доирасида маънавий-маърифий тадбирлар кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Қува тумани марказида жойлашган Аҳмад ал-Фарғоний мажмуасида ўтказилган Шоу концерт дастури ҳам қуваликларга бир олам завқ бағишлади.

Айниқса, элимиз суйган таниқли сўз устаси Валижон Шамшиевнинг ичакузди ҳангомалари ҳамда эстрада юлдузлари Лайли ва Мажнун ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар оҳанги санъатга ошуфта дилларга олам-олам қувонч улашди.

2023-06-05 12:17:20